

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик этувчи судья И.Хамидов, судья ёрдамчиси Ж.Уктамовнинг котиблигида, томонлардан Қўшработ туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Мамиров, судланувчи О.Ачилов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Юсупов, судланувчи Ш.Ибодиллаев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ҳакимовларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган Ачилов Олим Муродимович, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғлига нисбатан 1-1408-2501/259-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Ачилов Олим Муродимович (Achilov Olim Murodimovich), 1987 йил 14 март куни Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, муқаддам судланмаган, ишсиз, Қўшработ тумани “Янгиқишлоқ” маҳалласи “Тумшуқли” қишлоғи рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 22 ноябрь куни олган.

Судланувчи Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғли (Ibodillayev Shahzod Sherali o'g'li), 2001 йил 17 февраль куни Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Қўшработ тумани “Янгиқишлоқ” маҳалласи “Тумшуқли” қишлоғи 89-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 22 ноябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараларини ҳамда судланувчиларни охирги сўзларини тинглаб,



жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ачилов Олим Муродимович ўзининг қилмишини ижтимоий хавфлилигини била туриб, 2025 йил 22 сентябрь куни соат 08:00 да Қўшработ тумани “Янгиқишлоқ” маҳалласи “Тумшуқли” қишлоғида фуқаро Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғли билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик туфайли ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида унинг юз ва танасининг турли соҳаларига қўллари билан уриб, унга “Енгил соғлиқни бузилишига сабаб бўлган тан жароҳатлари”ни қасддан етказган.

Судланувчи Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғли ўзининг қилмишини ижтимоий хавфлилигини била туриб, ўзининг жисмоний бақувватлигига ишонган ҳолатда, 2025 йил 22 сентябрь куни соат 08:00 да Қўшработ тумани “Янгиқишлоқ” маҳалласи “Тумшуқли” қишлоғида жойлашган яшаш уйига, ўзи билан бир маҳаллада яшовчи фуқаро Ачилов Олим Муродимович ўзига тегишли оқ рангли “Lacetti” русумли автомобилида келган вақтида, ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик туфайли ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида О.Ачиловни юз қисмига урганида, у қўллари билан юз қисмини ҳимоя қилган вақтида чап қўлига уриб, 5-кафт суягини синдириб, “Ўртача оғирликда”ги тан жароҳатини қасддан етказган.

Судланувчи Ачилов Олим Муродимович ўзининг кўрсатувида айбига иқрорлик билдириб, 2025 йил 21 сентябрь куни кечаси яшаш уйида бўлган вақтида акаси Тангиров Шерали унга қўнғироқ қилиб тез кунларда қизи Ибодиллаева Тошбувини никоҳ тўйи бўлиши муносабати билан қизини 2025 йил 22 сентябрь куни Қўшработ тумани марказига олиб бориб келишини илтимос қилганини, эртаси куни Т.Ибодиллаевани тайёр бўлиб туришини айтиш учун акасини ўғли Ибодиллаев Шаҳзодга бир неча маротаба қўнғироқ қилиганини, бироқ у қўнғироқларига жавоб бермагач ўзига тегишли бўлган “Ласетти” русумли автомобилда акаси Ш.Тангировни яшаш уйининг олдига борганини, шундан кейин акаси Ш.Тангировни чақирганида ўғли Ш.Ибодиллаев чиққанини, шунда унга “нега қўнғироқларимга жавоб бермадинг” деб айтган вақтида, Ш.Ибодиллаев унга “олсанг пулингни оласан” деб айтганини, унга пул учун келмаганини, тўйга хизмат қилиш учун келганлигини айтиб синглиси Тошбувини чақирини айтганида, Ш.Ибодиллаев унга жаҳл қилиб синглиси Қўшработ туман марказига бормаслигини, бошқа куни боришини айтганини, шунда уни ҳам жаҳли чиқиб “Шаҳзод мол экансан” деб автомобилига қараб юрган вақтида Ш.Ибодиллаев уни олдига югуриб келиб, юз қисмига бир маротаба урганини, шунда у ҳам ўзини ҳимоя қилиш учун ўнг қўли билан уни чап юзига бир маротаба муштлаб



урганлигини, Ш.Ибодиллаев ундан анчагина жисмоний бақувват бўлганлиги учун уни юзига ўнг ва чап қўллари билан уриб ташлаганини, шунда иккала қўлини юзига қўйиб ҳимоя қилганида чап қўлини бешинчи бармоғини уриб синдирганини, унга жисмоний кучи етмаганлиги сабабли яшаш уйига қараб югуриб қочиб кетганлигини, кейин Ш.Ибодиллаев уни ортидан қувлаб ерда ётган тошни унга қараб отганида, тош уни ўнг оёғига текканлигини, у Ш.Ибодиллаевга тош отмаслигини айтиб тўхтаганида, Ш.Ибодиллаев уни ушлаб “юр сен билан сойликда гаплашиб оламиз” деб ёқасидан тортиб кетаётган вақтида акаси Тангиров Шерали келиб уларни ажратиб ўғли Ш.Ибодиллаевни уйига олиб кетганини, шундан кейин ўзи ҳам яшаш уйига кетганлигини, уйига боргач чап қўлида кучли оғриқ бўлиб шишиб кетганлиги учун туман тиббиёт бирлашмасига келиб қўлини шифокорларга кўрсатиб, биринчи тиббий ёрдамни олиб яшаш уйига кетганлигини, ҳозирги кунда у судланувчи Ш.Ибодиллаевни кечирмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўрашини, ўзи ҳам қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғли ўзининг кўрсатувида айбига қисман иқрорлигини билдириб, 2025 йил 21 сентябрь куни кечаси яшаш уйида бўлган вақтида отаси Тангиров Шерали амаки акаси Ачилов Олимга кўнғироқ қилиб тез кунларда синглиси Ибодиллаева Тошбувини никоҳ тўйи бўлиши муносабати билан уни 2025 йил 22 сентябрь куни Қўшработ тумани марказига олиб бориб келишини илтимос қилганини, 2025 йил 22 сентябрь куни эрталаб 08:00ларда акаси О.Ачилов уларни уйига ўзига тегишли бўлган “Ласетти” русумли автомобилда келиб баланд овозда уни чақирганини, шунда у ташқарига чиқиб акаси О.Ачилов билан қўл бериб ўзаро саломлашиб гаплашганида, О.Ачилов унга синглиси Т.Ибодиллаевани чақиршини, уни Қўшработ тумани марказига олиб бориш учун келганлигини айтганини, шунда у О.Ачиловга синглиси бугун бормаслигини, уни пардоз қиладиган салончи бошқа жойга кетиб қолганини айтганида, О.Ачилов унга қараб, “нега шуни менга телефон қилиб айтмадинг, мен бошқа ишлар қилиб кўпроқ пул топар эдим” деб баланд овозда жаҳл қилиб гапирганини, шунда унга йўл ҳақини беришини айтганида, О.Ачилов уни онасидан олиб ҳақорат қилиб кетганини, унга “Олим ака сўкинманг, сизни отам чақирган бўлса у билан гаплашиб олинг” деб айтганида, О.Ачилов уни олдига келиб, “сен катта бўлиб қолгансан” деб айтиб ёқасидан ушлаб бир-икки силтаб, ўнг ва чап қўллари билан уни юз қисмига урганини, уни чап қоши йиртилиб қонаб кетганидан кейин ерга тиззасини букиб, бошини ушлаб ўтириб қолганлигини, уни юз қон бўлганлигини кўриб О.Ачилов ўзининг уйи томонга қочиб кетганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг отаси Тангиров Шерали, акаси Тангиров Ботир ва амаки акаси Ачилов Олимлар уни олдига келишганини, шунда уни ҳам жаҳли чиқиб О.Ачиловга сойликда гаплашиб олишини айтганида



уларни отаси ва акаси Ботирлар ажратиб қўйганлигини, кейин 103-рақамига қўнғироқ қилиб, тез ёрдам машинасида шифохонага борганини, ҳозирги кунда у судланувчи О.Ачиловни кечирмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўрашини, ўзи ҳам қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Тангиров Шерали Ибодиллаевич ўзининг кўрсатувида, 2025 йил 21 сентябрь куни кечаси яшаш уйида бўлган вақтида амаки укаси Ачилов Олимга қўнғироқ қилиб тез кунларда синглиси Ибодиллаева Тошбувини никоҳ тўйи бўлиши муносабати билан уни 2025 йил 22 сентябрь куни Қўшрабат тумани марказига олиб бориб келишини илтимос қилганини, 2025 йил 22 сентябрь куни эрталаб уйилда ухлаб ётган вақтида келини Ибодиллаева Асало келиб уни уйғотиб ўғли Ибодиллаев Шаҳзод ва укаси Ачилов Олимлар ўзаро жанжаллашаётганини айтганлигини, шундан кейин яшаш уйининг олдида чиққанида укаси О.Ачилов сойлик томонда турганини, ўғли Ш.Ибодиллаевни қоши ёрилиб қонаб турганини, устидаги қизил рангли майкаси йиртилган ҳолда эканини кўрганини, шунда у О.Ачиловга қараб “Шаҳзод билан уришгани келдингми” деб айтиб уйига қайтиб кетганини, шу куни ким-кимни уриб тан жароҳати етказганлигини кўрмаганлигини билдириб баёнот берди.

Судланувчи О.Ачилов ва Ш.Ибодиллаевларнинг юқорида баён қилинган айблари иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувидан ташқари қуйидаги суриштирув ва тергов ҳужжатлари, яъни

-судланувчи О.Ачилов ва Ш.Ибодиллаевларнинг аризалари ва дастлабки тушунтириш хатлари (ишнинг 3-9-бетлари);

-Каттақўрғон тумани СТЕ бўлинмасининг 2025 йил 10 октябрь куни Ш.Ибодиллаевга нисбатан берилган 2062-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосаси (ишнинг 11-12-бетлари);

-Каттақўрғон тумани СТЕ бўлинмасининг 2025 йил 10 октябрь куни О.Ачилова нисбатан берилган 2063-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосаси (ишнинг 13-15-бетлари);

-судланувчи О.Ачилов ва Ш.Ибодиллаевларни юзлаштириш баённомаси (ишнинг 32-36-бетлари);

-ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (ишнинг 37-45-бетлари);

-гувоҳ А.Ибодуллаева, Ш.Тангиров ва Б.Тангировлар сўроқ баённомлари (ишнинг 46-55, 67-70-бетлари) ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ исботланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи О.Ачиловнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан;



-судланувчи Ш.Ибодиллаевнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Ачиловнинг жиноий қилмишини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг муқаддам судланмаганлигини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ш.Ибодиллаевнинг жиноий қилмишини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг муқаддам судланмаганлигини, ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

17-бандида, ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда тайинланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи О.Ачилов ва Ш.Ибодиллаевларга жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун талаби ва Пленум қарорида берилган тушунтиришларга амал қилиб, уларнинг шахсини, муқаддам судланмаганини, ўз айбларига иқрорликларини, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонликларини ҳамда бир-бирига нисбатан даъвоси



борлигини инобатга олиб, уларга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини эътироф этишни;

-судланувчи О.Ачилов ва Ш.Ибодиллаевларга келгусида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддалари тартибида

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Ачилов Олим Муродимович (Achilov Olim Murodimovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Ачилов Олим Муродимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин ва жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган ташкилот, корхона, муассасаларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қўшработ туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргач судланувчи О.Ачиловга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғли (Ibodillayev Shahzod Sherali o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Ибодиллаев Шаҳзод Шерали ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин ва жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган ташкилот, корхона, муассасаларда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Қўшработ туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.



Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Ш.Ибодиллаевга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги эътироф этилсин.

Судланувчи О.Ачилов ва Ш.Ибодиллаевларга келгусида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида тегишли ҳужжатларни тўплаб фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида, шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш, прокурор протест билдириш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья

И.Хамидов

